

## ИЛК ИСЛОМДА ЗУХД (АСКЕТИЗМ): ТУШУНЧА ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Gulnora Xudoyberganova

O'zbekiston xalqaro islam akademiyasi, "Dinshunoslik va jahon dinlarini qiyosiy o'rGANISH YUNESKO" kafedrasi dots., PhD. E-mail: gulnoraxudoyberganova@iiau.uz

**Аннотация:** Мақолада ислом динининг ilk асрларида шаклланган зоҳидлик, яъни моддий ва жаҳонви нарсалардан воз кечиш ва маънавий покликка интилиш концепцияси ўрганилади. Зуҳд, исломдан аввал ҳам ўз қўринишлари билан мавжуд бўлган бўлса-да, исломнинг таълимотлари асосида янги маъно касб этди. Исломнинг биринчи асрларида зоҳидлик амалиёти, хусусан, саҳобалар ва тобеийлар орасидаги маънавий ҳаётнинг муҳим қисми бўлган. Зуҳднинг шаклланишида дунёқарашиб, ижтимоий ва иқтисодий омиллар муҳим роль ўйнаган. Мақолада шунингдек, ислом ва христиан аскетизмининг ўхшашиклиари ва фарқлари, исломий зуҳд мактабларининг пайдо бўлиши ва уларнинг ижтимоий таъсирни таҳлил қилинганд. Зуҳднинг тасаввуфга таъсирни ва бу соҳадаги классик адабиётлар ҳам ўрганилади.

**Калит сўзлар:** Зуҳд, ислом, зоҳидлик, илоҳий муҳаббат, моддий дунёдан воз кечиш, исломий фалсафа, тасаввуф, саҳо ва тақво, саҳобалар, тобеийлар, христиан аскетизми, зоҳидлик мактаблари, маънавий покланиш, исломий адабиёт.

VII асрда Арабистон яриморолида вужудга келиб, тез орада Осиё, Африка ва Европанинг кўплаб ўлкаларига ёйилган ислом дини ушбу минтақалар халқларига нафақат янги эътиқод шакли, балки янгича турмуш тарзи, янгича ижтимоий муносабатларни ҳам олиб кирди.

Ислом таълимоти доирасида шаклланган зоҳидлик бир томондан моддий неъмат, ҳою ҳаваслардан воз кечиш, иккинчидан ўзини паст тутишга уриниш сифатида намоён бўлган амалий ва фикрий жараёндир.

“Зуҳд” сўзининг луғавий маъноси турли қомусий луғатларда турлича талқин этилади. Жумладан, “зуҳд – фақат дунё ишларида бўлиб, у хоҳиш ва дунёга ҳирснинг зиддидир”, дейилади<sup>36</sup>.

<sup>36</sup> Лисонул араб. – Байрут.: Дарус содир, 1997. – Б.207.



Истилоҳий маънода эса “зухд – қўл топинган нарсадан қалбни мосиво қилишдир”<sup>37</sup>.

Зухд билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қиласиган бўлсак, исломдан аввал ҳам у ўзига хос кўринишда турли халқларда мавжуд бўлганлигини кузатиш мумкин. Бинобарин, исломдан олдинги даврдаги зоҳидларда ал-васания (кўп худолик) ҳамда бут-санамларга эътиқод қилишга қаршилик ҳаракатлари кузатилган. Шу ўринда исломгача бўлган Арабистонда зоҳидлик ҳаракатлари ҳанифлар фаолиятида кузатилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Ҳанифлар бутпастлик худоларига сифинмай, қаттиқ аскетик амалиёт (покликка қаттиқ амал қилиш, узлатда яшаш ва ҳ.к) олиб бориб, яхудийларга ҳам, христианларга ҳам қўшилмай яшар эдилар. Бу йўналишнинг ёрқин вакиллари сифатида Варақа ибн Навфал, Абу Қайс Сарма ибн Анасни айтиб ўтиш мумкин<sup>38</sup>. “Ҳаниф” сўзи “Муъжаму-л-васит” луғатига кўра, “ёмонликдан яхшиликка оғувчи” деб шарҳланади<sup>39</sup>.

Тадқиқотчилар ҳанифлар ҳақида кўпинча мавхум, бир-бирига зид фикрлар берган бўлсалар да, яқдиллик билан уларни кўпхудоликка қарши тоифа эканлигини таъкидлаганлар. Ҳанифлар очиқдан очиқ бутпастларни инкор қилас, ўша давр араблари орасида кенг тарқалган ичкиликбозлик, қиморбозлик ва бошқа заарли иллатларга қарши туришга чақирадилар. Албатта уларнинг даъвати зодагонлар, амалдорлар ва санамларга хизмат қилувчиларнинг қаршилигига учради. Кўп ҳанифлар бир жойда муқим турмай, дарвеш-қаландарлар тарзида ҳаёт кечиришга, мамлакат бўйлаб дайдиб юришга мажбур бўлдилар. Ҳанифларни яхудийлар ёки христианлар сингари мустақил дин вакиллари сифатида тасаввур қилиб бўлмайди. Уларга ҳар турли қабилага мансуб бўлган, ўзаро йирик робитага бирлашмаган, асосан санамларга қарши ва ислоҳотга даъват қилиш фикри билан банд кишилар сифатини бериш мумкин. Ибн Ҳишом ўзининг “Сира”сида ҳанифлардан Зайд ибн Амр, Варақа ибн Навфал, Убайдулло ибн Жаҳш, Усмон ибн Ҳувайрисларнинг қисқача таржимаи ҳолларини келтириб, улар кичик бир груп (усба) ташкил қилганлари, қурайшийларнинг тоат ибодатлари ва маросимларини инкор этганларини қайд қиласди.

Тадқиқотчилар зоҳидлик кайфияти исломда Пайғамбар (с.а.в.) замонидан бошланганини таъкидлаб, саҳобий ҳамда тобеийларни исломдаги илк зоҳидлар

<sup>37</sup> Қаранг: Ал-мавсуа ас-суфия. – Қохира: Мактаба мадбули, 2006. – Б. 1009.

<sup>38</sup> Насыров И.Р. Основания исламского мистицизма. Генезис и эволюция. Том 1. – М.: 2009. – С.55.

<sup>39</sup> Қаранг: Муъжаму-л-васит. Электрон арабча лугат.



сифатида кўрсатишади. Пайғамбар (а.с.) даврларида ёқ Абу Зар Гифорий, Ҳузайфа ибн Ямоний, Салмон Форсий каби айrim саҳобийларда зоҳидона қарашиб турмуш тарзи намоён бўлган эди.

Хусусан, араб тадқиқотчиси Абдулқодир Исо исломнинг ilk асрлари художўй ва тақводор кишилар, ўзларини бутунлай Аллоҳга бағищлаган инсонлар замони бўлганини таъкидлайди<sup>40</sup>.

Тасаввуфшунос олим А.Д.Книш ҳам суфийликка асос бўлган зоҳидлик кайфиятларининг ислом билан бир пайтда пайдо бўлганини қайд қилиш билан бирга том маънодаги зоҳидлик-суфийлик ҳаракати кейинроқ пайдо бўлганлигига ишора қиласди.<sup>41</sup> Шунингдек, ilk зоҳидларнинг ижтимоий келиб чиқиши хусусида ҳам ўзига хос ёндошувлар асосида билдирилган фикрлар мавжуд. Айrim тадқиқотчилар уларни аксар ҳолларда муҳаддислар орасидан келиб чиққанлигига ишора қиласалар, А.Книшнинг фикрича, суфийликнинг ilk шакли бўлмиш зоҳидликнинг ижтимоий таркибида муҳаддислардан ташқари қиссагуйлар, қорилар, Византия билан чегара жанглари иштирокчилари, тақводор савдогарлар ва ҳунармандлар ҳам бўлганлар<sup>42</sup>.

Исломнинг ilk даврида яшаган зоҳидлар ҳаракатига дунёнинг ўткинчи, алдоқчи, охират ҳаётига қиёсан қадр-қимматсизлиги билдирилган ва зуҳд ҳаёти тавсия этилган маълум оят-ҳадислар асос бўлган. Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра Қуръони каримнинг қуидаги оятлари зоҳидларда зоҳидона кайфиятларни уйғотган: “Бас, ҳаргиз сизларни ҳаёти дунё (ўзининг ўткинчи неъматлари билан) алдаб қўймасин” (Луқмон-31:33), “Бу ҳаёти дунё фақат (бир нафаслик) ўйин-кулгудир. Агар улар билсалар, охират диёригина (мангу) ҳаёт (диёридир)” (Анкабут-29:64). “Мол-мулк, бола-чақа, шу ҳаёти дунё зийнатидир” (Қаҳф -18:46), “Раббингизнинг номини доим зикр қилинг ва қалбингизни ҳамма нарсадан холи қилиб, чин ихлос бирла унга йўналинг!” (Музаммил-73:8) ва бошқа ояти карималар дунёга ҳаддан зиёд берилмасликни, асл ғоя – охират ҳаётини қўлга киритиш эканлигига ишора қиласди<sup>43</sup>.

Ҳижрий I-II асрлар бошларида зоҳидлик муносабати исломнинг деярли барча соҳаларига таъсир кўрсатди. Кўпинча бу даврда “ниск”, “қаноат” ва “вараъ” атамалари ҳам ишлатилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Аммо ҳижрий II асрда бу сўзлар “зуҳд” атамаси билан алмаштирила бошлаган. Шунингдек, ўрта аср

<sup>40</sup> Ҳаккул, Иброҳим. Тасаввуф: тарих, моҳият ва тадқиқ талаблари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.:2017. №4. – Б. 30.

<sup>41</sup> Кныш А.Д. Ат-Тасаввуф. //Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 225.

<sup>42</sup> Ўша жойда.

<sup>43</sup> Турап У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – Б. 52.



мусулмон олимларнинг аксарияти исмларига “зоҳид” номини қўшиш урф бўлганини кўриш мумкин.

Аллоҳнинг розилигини топиб, жаннатга кириш ва жаҳаннам азобидан қутилиш ғояси илк ҳижрий асрларда зоҳидларда кузатилган ҳолат эди. Бу даврдаги зоҳидларда аввал “қўрқув”га таянган зуҳд тушунчаси ҳукмрон бўлган бўлса, мазкур даврнинг машҳур суфийларидан бири Робиятул Адавия (ваф.130/752) орқали кириб келган “илоҳий ишқ” тушунчаси зоҳидлар дунёқарашида янгича шакл кашф этди<sup>44</sup>. Бинобарин зоҳидлик йўналишида янги босқич – илоҳий муҳаббатга йўғрилган зуҳд босқич пайдо бўлди.

Ҳижрий II аср охиригача зуҳд шахсий масала бўлиб қолса ҳам, баъзи минтақаларда машҳур зоҳидларнинг қарашлари ва амалиётларига эргашган йўналишлар, мактаблар шаклланганини кўриш мумкин. Дастлабки зуҳд мактаблари сифатида Мадина, Куфа, Басра, Хурасон ва Мовароуннахр зоҳидлик мактабларини келтириш мумкин.

Шу ўринда айрим ғарб тадқиқотчилари орасида, исломда христианлик аскетизми таъсирида, маънавий комиликка етишишнинг алоҳида йўли ишлаб чиқилган<sup>45</sup>, деган қарашлар анча тарқалган. Баъзи ғарб исломшунос олимларининг фикрича, зуҳд тушунчаси, христианроҳиблиги, монийлик ва ҳинд анъанаси таъсирида шаклланган ва тасаввуф анъанасига мос равища ривожланган. Масалан, швед шарқшунос олими, тадқиқотчи Т.Андре исломдаги зуҳд ва насронийларнинг аскетизмида ўхшашлик бор, деган хulosани беради. Бу фикрга асос бўлувчи бир қатор сабаблар ҳам келтирилади: жумладан, халифаликнинг Сурия ва бошқа янги вилоятларида мусулмонларнинг насроний аҳоли билан яқин мулоқоти; ислом тарихида динни қабул қилган қўплаб насронийлар бўлгани ва бошқа<sup>46</sup>. Илк зоҳидларда насронийлик аскетизми элементлари: дунё матоҳларидан воз кечиш, ўзликни унутиш, ихтиёрий қашшоқлик, ихтиёрий очлик ва бошқаларда эҳтимол насронийликдаги роҳиблик анъаналарига ўхшашликлар ҳам бўлгандир<sup>47</sup>. Аммо бу фақат ташқи жиҳатдан шаклий ўхшашлик. Масалан, тобеийлардан Каъб ибн Аҳмар ва Молик ибн Динор илк зоҳидлардан саналган Омир ибн Абдуллоҳ ҳақида “у ушбу жамоа (мусулмон жамоаси)нинг роҳиби”<sup>48</sup>, дейишган. Уларнинг

<sup>44</sup> Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – Б. 53.

<sup>45</sup> Насыров И.Р.Основания исламского мистицизма.Генезис и эволюция.Том 1.М.:2009.С.40.

<sup>46</sup> Қаранг: Андре Т. Исламские мистики. СПб.: Евразия, 2003. — 240 с.

<sup>47</sup> Зайнуддин Мухаммад Абдар-Равфал-Мунави. Табакот ас-суфийя – Байрут: Дар ас-садир, 1999. Т. 1. – Б. 587.

<sup>48</sup> Ўша жойда. – Б. 587.



гувоҳлик беришларича, Омир ибн Абдуллоҳ тик турган ҳолатда ухлаган, доимо рўза тутган, ҳар кеча мингга яқин ракат намоз ўқиган<sup>49</sup>.

Тадқиқотчилар томонидан зуҳднинг шаклланиш жараёни ҳақида ҳам турли фикрлар билдирилган бўлиб, мазкур жараёнларга бир қатор омиллар, жумладан, диний, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳамда ақидавий сабаблар туртки бўлганлиги таъкидланади<sup>50</sup>.

Шунингдек, зуҳдни тасаввуфнинг дастлабки босқичи, деб талқин қилувчилар билан бир қаторда зуҳд тасаввуфдан алоҳида ҳолда ривожланиб борган, деган қарашлар ҳам айrim олимлар орасида учрайди. Бунга далил қилиб зоҳидликни тасаввуфдан алоҳида тарзда мустақил ҳолда давом этганлиги билан изоҳлайдилар: “Агар тасаввуф зоҳидликнинг кейинги босқичи бўлганида эди, зоҳидлик тасаввуф тарақкий топган даврларда йўқ бўлиб кетган бўлар эди. Лекин манбаларда мамлуклар даврида Миср фақиҳ ва уламоларининг аксарияти суфий эмас, балки зоҳид бўлганликлари қайд этилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, исломнинг илк даврларида зоҳидлик оят ва ҳадисларга таянган ҳолда шаклланган бўлса, кейинги даврларда маълум бир шахсиятларнинг қарашлари зоҳидлик фаолиятининг асоси бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, юқорида санаб ўтилган зуҳд мактабларининг намоёндалари қарашлари кейинги давр зоҳидлик қарашларига ўз таъсирини кўрсатган. Шу билан бирга зуҳднинг шаклланиши бўйича ҳам икки хил ёндошув фарқланган, яъни, зуҳднинг ўзи алоҳида амалиёт сифатида ҳамда тасаввуфнинг дастлабки босқичи сифатида намоён бўлган.

Зуҳдга оид тизимли қарашлар шаклланиши баробарида мазкур мавзуда маҳсус адабиётлар ҳам яратилган. Классик давр адабиётларининг деярли барчасида зуҳдга тегишли фасл (боблар) киритилган, хусусан, Калабодий, Қушайрий, Абу Толиб Маккий, Имом Ғаззолий каби олимларнинг тасаввуфга доир классик асарларида бу мавзуга алоҳида боблар ажратилган. Шунингдек, исломнинг илк даврларида зуҳд мавзусига оид ҳадисларни алоҳида жамлаш урф бўлган ҳамда зуҳд амалиётига доир мустақил йўриқномалар, зуҳд тавсифига оид китоблар ҳам таълиф этилган.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ал-Мунжид фи луғати ва аълам.– Байрут.: Дарул машриқ, 1986.
2. Ал-мавсуа ас-суфия. –Қоҳира: Мактаба мадбули, 2006.

<sup>49</sup> Ўша жойда. – Б. 587.

<sup>50</sup> Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. Т. II. Институт восточных рукописей РАН. – М.: Наука, Вост. лит., 2016 – С.134.



3. Лисонул араб. – Байрут.: Дарус содир, 1997.
4. Йилмаз К. Тасаввуф и тарикаты. – М.: САД, 2007.
5. Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. Т. II. Институт восточных рукописей РАН. – М.: Наука, Вост. лит., 2016
6. Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999.
7. Абу Бакр Калабозий. “Китаб ат-таъарруф ли мазҳаби ахլ ат-тасаввуф”. – Қоҳира, 1994.
8. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. М., 1999.
9. Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Зуҳд ва ҳаё. – Т.: “Hilol-nashr”, 2019.
10. Хасанов А. Макка ва мадина тарихи. – Т.: Меҳнат, 1992.
11. Ҳаққул, Иброҳим. Тасаввуф: тарих, моҳият ва тадқиқ талаблари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.:2017. №4.
12. Usmonov, Ibrohim (2018) "Muslim altruism ideas in the scientists' writings of Maverannahr," The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1, Article 4. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2018/iss1/4>
13. Насыров И.Р.Основания исламского мистицизма.Генезис и эволюция.Том 1.М.:2009.
14. Кныш А.Д. Ат-Тасаввуф. //Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991.
15. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе / Перевод с англ. А.А.Ставиской, под ред. и предисл. О.Ф. Акимушкина. – М.: Наука, 1989.
16. Рахимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Т.: Академнашр, 2020.
17. Петросян А.Р. Ислам. Энциклопедический словарь. М.: Наука, 1991. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – 400 с.
18. Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма.– М.:Наука, 1987. –190 с.
19. G.Khudayberganova. Анализ феномена аскетизма в учениях мировых религий. Theoretical & Applied Science, 579-58
20. G Khudayberganova. Asceticism in world religious traditions. The Light of Islam 2018 (4), 23-28

